


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Иқтисодий манфаатлар кўзланган қонунлар кўриб чиқилди



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар куйидаги бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди:

• **биринчи ўқишда** — Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (5.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сон) ижро этиш мақсадида ҳамда 2017 йилга мўлжалланган Солиқ ва бюджет сиёсати концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини.

Қонун лойиҳасида тўловга оид тартиб-интизомни, солиққа оид маслаҳатлар бериш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар сифатини, хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва улар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш назарда тутилмоқда;

• **биринчи ўқишда** — «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши республикамиз Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (21.10.2016 йилдаги ПФ-4850-сон) мавжуд бўлган нормаларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлайди.

Қонунлар биринчи ўқишда қабул қилинди;

• **иккинчи ўқишда** — «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга кредиторлар ва қарздорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси. Бундан буён банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан суднинг апелляция инстанцияси чиқарган қарорлар қайта кўриб чиқилиши лозим, яъни юқори турувчи инстанцияларга судларнинг қарори устидан шикоят қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ривожлантириш Кафолат жамғармаси кредитларни олишда ёрдам беради

Президентнинг 10.02.2017 йилдаги ПҚ-2768-сон қарори билан Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармаси ташкил этилди («Norma маслаҳатчи»нинг бугунги сонидagi ҳужжатлар пакетидида чоп этилмоқда).

Жамғармани ташкил қилишдан мақсад ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобланади. Жамғарма акциядорлик жамияти шаклида республика ҳудудларида филиалларини очган ҳолда ташкил этилмоқда.

Жамғарманинг асосий вазифалари жумласига кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаб бериш ҳам киради.

Жамғарманинг ишонч хати кичик тадбиркорлик субъектларига қайтариш ва қоплаш асосида тижорат банклари томонидан кредит бериладиган муддатга тақдим этилади. Бунинг учун Кафолат жамғармаси, кредит берувчи банк ва қарз олувчи кредит шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш мақсадида кафиллик шартномасини расмийлаштиради. Бироқ таъминот кредит суммаси умумий миқдорининг 50%идан ва эквиваленти 100 минг АҚШ долларига тенг суммадан ошмаслиги керак. Яъни ҳар қандай ҳолатда банкка кредитларни



қайтариш таъминотининг бошқа турлари ҳам тақдим этилиши лозим.

Кафолат жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун чеклов ҳам жорий қилинган — тақдим этиладиган таъминотларнинг максимал умумий миқдори Жамғарма маблағларининг 5 қарра миқдоридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Жамғарманинг бошлангич устав фонди 100 млрд сўмни ташкил қилади. Давлат рақобат қўмитаси 50% акциялар билан асосий акциядор бўлди. Бошқа йирик акциядорлар қаторида ТИФ Миллий банки (10%), Ўзбекистон Банклар уюшмаси (5%), Савдо-саноат палатаси (2%) бор. Акциядорлар таркибига шунингдек 15 та тижорат банки ва 3 та сугурта компанияси ҳам киритилди.

Ноинсоф доришуносларнинг ишлаши 3 йилга тақиқланади

Президентнинг 14.02.2017 йилдаги ПҚ-2773-сон қарори билан дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари маъқулланди.

Лицензияловчи орган ўзгарди

2017 йил 1 апрелдан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Илгари бу Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилган эди.

Бунинг учун кўрсатиб ўтилган идораларда мазкур лицензияларни бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳри Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишлаш ҳуқуқидан нега маҳрум этилади

Энди лицензиялаш жараёни дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини белгилаш тартибига риоя этилиши билан бевосита боғлиқдир.

Хусусан, Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қондаларига (6.08.1994 йилдаги 404-сон ВМҚга 1-илова) дорихона

муассасалари (идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар) белгиланган нархлари билан Ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг тасдиқланган рўйхатини давлат ва рус тилларида 12 шрифт ўлчамидан кам бўлмаган ўлчамда кўринадиган жойга осиб қўйишлари шартлиги мажбурияти киритилди.

Бунда дори-дармон воситалари ёки тиббиёт буюмлари билан бирга сотиб олувчи касса чеки ҳамда идентификацион маълумотлар (номи, дозаси, қадоқлаш, миқдори) билан бирга дори-дармон воситалари ёки тиббиёт буюмларининг номи, уларни берувчи шахсга оид маълумотлар, бериш санаси ва нархи кўрсатилган товар чеки бериледи.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган текшириш учун харид қилиш ёки назорат остида олиш натижалари бўйича олинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини белгилаш бўйича тартибни бузиш фактини тасдиқловчи товар ва касса чеклари дорихона муассасасининг лицензиясини тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомига (13.05.2010 йилдаги 91-сон ВМҚ билан

2-бетда

Ушбу
сонда:

2-БЕТ

Тадбиркорлар давлат рўйхатидан қандай ўтказилади

7-БЕТ

Хизмат автомобили қаерда «тунайди»

8-БЕТ

Декретга чиқиш учун буйруқ керакми?



тасдиқланган) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ лицензияловчи орган қонун ҳужжатларини бузиши, шу жумладан доридармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихона муассасаларининг манзиллар реестри ва ҳодимлар реестрини шакллантиради.

Лицензиат (лицензияэгаси) мазкур реестрга киритилган шахслардан ҳодимлар тартибини шакллантириши таққиланади. Бунда реестрга киритилган маълумотлар 3 йил ўтганидан кейингина чиқариб ташланиши мумкин бўлади.

Текшириш учун қим қилиш мумкин

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Бош

прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотадиган чакана ташкилотлар томонидан улар нархининг давлат томонидан белгиланган тартибига риоя этилишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси топширилди.

Тадбиркор давлат рўйхатидан қандай ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди, у 2017 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилади («СБХ»нинг 28.02.2017 йилдаги 9 (1177)-сонида чоп этилган).

Ўзи келган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Ариза берувчи давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда мурожаатлар почта манзиллига мувофиқ жойлашган жойи (юридик шахслар учун) ёки доимий рўйхатда турган жойи ёхуд доимий яшаш жойи (жисмоний шахслар учун) бўйича топширилади.

Мазкур ҳолатда рўйхатдан ўтказувчи органга зарур ҳужжатларнинг асл нусхалари қозғ кўринишида 1 нусхада тақдим этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун ариза берувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➢ паспортни – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун;

➢ шахсини ва Ўзбекистондаги яшаш жойини тасдиқловчи паспортни ёки бошқа ҳужжатни – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун.

Барча ҳолатларда ҳужжатлар тўпламида давлат божни тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёки у белгиланган миқдорда тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати нусхаси бўлиши керак.

Бизнес қайта рўйхатдан ўтказилиши қачон талаб этилади

Ҳужжат билан ўзгартиришлар ва қўшимчалари мажбур қайта рўйхатдан ўтказиладиган рўйхатдан ўтказиладиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди. Қайта рўйхатдан ўтказиш Интернет тармоғида автоматлаштирилган тизим орқали ва ўзи келган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қайта рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар сўровномага илова қилинади:

➢ давлат тилидаги таъсис ҳужжати;

➢ тадбиркорлик субъекти ваколатли бошқарув органининг қарори – таъсис ҳужжатларига устав фонди миқдорининг оширилиши, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганда;

➢ топшириш далолатномаси – қўшиб юборилганда ва қайта тузилганда;

➢ тақсимлаш баланси – ажратиб чиқаришда;

➢ тадбиркорлик субъекти ваколатли органнинг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдори шакллантирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат – устав фонди миқдори оширилганда;

➢ тадбиркорлик субъекти –юридик шахс иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан тўла миқдордаги ҳиссалар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар – устав фонди миқдори оширилганда;

➢ улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шартнома, хат, ҳуқуқий ворислик, мерос, суд қарори ва шу кабилар) – улуш (ҳисса) бошқа шахсга ўтганда.

Бизнес 30 минутда рўйхатдан ўтказилади

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 28.10.2016 йилдаги ПҚ-2646-сон қарорига мувофиқ 2017 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини (банклар ва кредит бюролари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек ННТдан ташқари) давлат рўйхатидан Давлат интернет-хизматлари ягона порталига интеграциялашган Интернет тармоғидаги автоматлаштирилган тизим орқали кечяно-кундуз ўтказилади ва ҳисобга қўйилади.

I босқич: сўровномани шакллантириш

Тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш учун ариза берувчи «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» давлат хизматини танлайди ва давлат рўйхатидан ўтказишга қуйидагилар учун белгиланган ариза шакллари бўйича хизмат кўрсатилиши учун сўровномани шакллантиради:

➢ якка тартибдаги тадбиркорлар;

➢ юридик шахслар.

Ариза берувчи томонидан фирма номини танлаш лотин алифбосидаги эркин фирма номларидан сўровнома шакллантирилганда амалга оширилади. Фирма номини танлаш бир хиллигининг текширилиши автоматик тарзда амалга оширилади. Танланган фирма номи 60 календарь кўнига ариза берувчи номига сақланиб туради. Энди фирма номини захиралаш ҳамда унинг захираланишини тасдиқловчи ноёб логин ва пароль талаб этилмайди.

Сўровнома илова қилинаётган ҳужжатлар электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак (Низомда уларнинг рўйхати белгиланган). Ҳужжатларни «pdf» форматда сканер қилинган нусхалари шаклида илова қилган ҳолда жўнатиш ҳам мумкин.

II босқич: давлат божини тўлаш

Сўровнома шакллантирилгандан кейин ариза берувчи давлат божини тўлайди, бож ставкаси тасдиқланган миқдорларда автоматик тарзда белгиланади. Интернет орқали рўйхатдан ўтказишдаги ставкалар ўзи келган ҳолда рўйхатдан ўтказишга қараганда 2 баравар кам бўлади.

Давлат божини таклиф этилаётган қуйидаги тўлов усуллари орқали тўлаш мумкин:

➢ Интернет орқали реал вақт режимида – банк картаси ва уланган «SMS хабар бериш» хизмати ёрдамида нақдсиз ҳисоб-китоб кўринишида;

➢ Ўзбекистон банкларининг кассалари орқали – тизим томонидан шакллантирилган сўровноманинг ноёб рақами кўрсатилган ҳолда нақд ёки нақдсиз ҳисоб-китоб кўринишида;

➢ ҳисобрақамидан банк ўтказмаси ёрдамида нақдсиз ҳисоб-китоб кўринишида.

Тўланган давлат божни қайтарилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ортиқча тўланган суммалар бундан мустасно.

III босқич: рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳномани шакллантириш

Тизим белгиланган давлат рўйхатидан ўтказиш муҳлатларида ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни текширади ва улар тегишли маълумотлар базаларига мувофиқ бўлганда, давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

Ариза берувчи Ягона порталдаги электрон ҳужжатлар репозиторийида сақланаётган рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, таъсис ҳужжатларини эркин олиш, шунингдек уларнинг нусхаларини қозғозда чоп этиш ҳуқуқига эга.

Рад этиш сабаблари

Қуйидагилар давлат рўйхатидан ўтказишни (қайта рўйхатдан ўтказишни) рад этиш учун асос бўлади:

➢ давлат божни тўланмаганлиги ёки унинг тўлиқ бўлмаган миқдорда тўланганлиги;

➢ тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказиш органига мурожаат қилинганлиги (ўзи келиб рўйхатдан ўтказиш чоғида);

➢ ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

➢ қонун ва таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилмаган орган томонидан таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш (хулосага келиш), уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги – устав фонди миқдори оширилган, улуш (ҳисса) бошқа шахсга ўтган, қайта ташкил этилган тақдирда;

➢ давлат рўйхатидан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) устав фондининг миқдорига доир талаблар белгиланган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун таъсис ҳужжатларида устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлган миқдорнинг белгиланганлиги.

Шунингдек Низомда белгиланган бошқа сабабларга кўра давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Рад этиш ҳужжатларини рад этиш асослари бартараф этилиши шарт билан қайтадан топширишга тўсиқ бўла олмайди.

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma Online» экспертлари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 28 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2616,59	1 Малайзия ринггити	766,57
1 Англия фунт		1 Польша злотийси	833,58
1 стерлинги	4229,57	1 СДР	4612,83
1 Дания кронаси	483,81	1 Туркия лираси	946,13
1 БАА дирҳами	926,96	1 Швейцария франки	3379,35
1 АҚШ доллари	3404,35	1 ЕВРО	3606,16
1 Миср фунти	216,84	10 Жанубий Корея вони	30,12
1 Исландия кронаси	31,45	10 Япония иенаси	303,36
1 Канада доллари	2598,74	1 Россия рубли	59,23
1 Хитой юани	495,16	1 Украина гривнаси	126,20

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	27.02.2017	1	1,7475	1	1,8466	1	0,0301
Арманистон	27.02.2017	1	486,78	1	515,5	1	8,41
Беларусь	27.02.2017	1	1,8774	1	1,9875	100	3,2418
Грузия	27.02.2017	1	2,5883	1	2,7402	100	4,4717
Қозғогистон	27.02.2017	1	311,49	1	329,84	1	5,38
Қирғизистон	28.02.2017	1	69,1298	1	73,1324	1	1,1932
Молдова	27.02.2017	1	20,0452	1	21,2600	1	0,3461
Россия	28.02.2017	1	57,9371	1	61,2569	–	–
Тожикистон	27.02.2017	1	7,9803	1	8,4631	1	0,1367
Туркменистон	27.02.2017	1	3,5000	1	3,6957	100	5,9858
Украина	27.02.2017	100	2 697,6569	100	2 861,9442	10	4,6935

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

– Иқтисодий манфаатлар қўзланган қонунлар қўриб чиқилди **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
– Валюталар курси **1-2-бетлар**

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Қиёқ-тадбиркорлик» ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎЗР ДБК, ИИВнинг «Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида» низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» қарори;

– ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат вазирлигининг «Тадбиркорлик субъектлари

ҳодимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

2017 йил 11 февралдан 17 февралгача бўлган маълумот

• АВТОНОРМА

– Транспорт воситалари турлари қандай маъқулланади

– Хизмат автомобилли учун тўхташ жойи – ФЖМС бўйича ҳисса **7-бет**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ҳақли равишда ишдан бўшаганликни асосан

– Буйруқсиз илоҳи йўқ

– Тажриба ёки маълумот: қайси бири муҳим?
– Дам олиш кўни иш кўнига тўғри келса **8-бет**

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиштириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

○ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида».

○ ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР:

– ЎЗР ДБҚ, ИИВнинг «Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат вазирлигининг «Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

○ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛДАН 17 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 20.02.2017 йилдаги 7 (767)-сон, 85-модда)

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва бозор иқлохотларини чуқурлаштириш, замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда хари-доргир бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш йўли орқали кичик тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, бунинг асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик тадбиркорликнинг ролини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Банклар уюшмаси, шунингдек, тижорат банклари ва сугурта ташкилотларининг акциядор-лик жамияти шаклидаги кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини (қейинги ўринларда – Кафолат жамғармаси) республика ҳудудларида филиалларини очган ҳолда, ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасининг асосий вазифалари этиб белги-лансин:

кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисmini таъминлаб бериш;

тижорат банкларидан кредитлар олиш шартлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш;

юқори технологияли ва инновациявий ишлаб чиқариш-ларни ташкил этиш ва кенгайтиришда кичик тадбиркорлик субъектларига қўмаклашиш;

таъминот берилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, шунингдек, тижо-рат банклари томонидан берилган кредитларни ўз вақтида қайтариш ва таъминот сифатида тақдим этилган Кафолат жамғармасининг мажбуриятини қоплашни назорат қилиш;

Кафолат жамғармасининг ресурс базасини кенгайтиришга

халқаро молия институтлари, хорижий фондлар ва банклар-нинг маблағларини жалб этиш.

3. Кафолат жамғармаси акциядорларининг иловага* мувофиқ таркиби ҳамда унинг бошланғич устав капитали миқдорида розилик берилсин.

Белгилансинки, жамият акциядорларининг умумий йиғили-шида сайланган Кафолат жамғармасининг раиси лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Кафолат жамғармаси томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ишонч хати қайтариш ва қоплаш асосида тижорат банклари томонидан кредит бериладиган муддатга тақдим этилади;

кредит шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш мақсадида, Кафолат жамғармаси, кредит берувчи банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган кафиллик шартномаси асосида Кафолат жам-ғармаси томонидан ишонч хати тақдим этилади;

тижорат банкларининг кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган кредитлари бўйича Кафолат жам-ғармасининг таъминоти, гаров билан қопланмаган қисмида, кредит суммаси умумий миқдорининг 50 фоизидан ва экви-валенти 100 000 АҚШ долларига тенг суммадан ошмаслиги керак;

Кафолат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган таъ-минотнинг максимал умумий миқдори – Кафолат жамғарма-си маблағларининг 5 қарра миқдоридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

5. Кафолат жамғармаси барча турдаги солиқлар ва дав-латнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар унинг ресур-с ва моддий-техника базасини мустақамлашга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусий-лаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-

*Илова берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиш мумкин.

лантириш давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда қуйидаги лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Кафолат жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарори;

янги замонавий технологик ускуналарни харид қилиш ва бошқа мақсадларда тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича

Кичик тадбиркорлик субъектларига таъминот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 10 февраль
ПҚ-2768-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

**БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-2*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 20.02.2017 йилдаги 7 (767)-сон, 102-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 июндаги 212-сон «Божхона божлари ва солиқлар тўлашдан шартли озод этиладиган вақтинча олиб қилинган айрим товарларнинг рўйхатини, уларни озод этиш шартларини, шунингдек имтиёзларнинг амал қилиш муддатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва

**Давлат божхона қўмитаси раиси
М.ТОХИРИЙ,
01-02/12-2-сон**

Тошкент ш., 2017 йил 30 январь.

**Ички ишлар вазирини
А.АЗИЗОВ,
1-сон**

*ЎЗР ДБҚ ва ИИВнинг 2017 йил 30 январдаги
01-02/12-2, 1-сон қарорига
ИЛОВА*

**БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги, 2016 йил 20 июндаги 212-сон «Божхона божлари ва солиқлар тўлашдан шартли озод этиладиган вақтинча олиб қилинган айрим товарларнинг рўйхатини, уларни озод этиш шартларини, шунингдек имтиёзларнинг амал қилиш муддатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини белгилайди.»

2. 2-бандда:

унинчи ва ўн биринчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
ўн иккинчи–ўн еттинчи хатбошилар тегишсизча унингчи–ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 14-банддаги «автотранспорт воситасига» деган сўзлар «шахсга» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 15-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хорижий автотранспорт воситасининг божхона ҳудудида туришининг умумий муддати календарь йил мобайнида жами тўқсон календарь кундан ошмаслиги лозим, халқаро юк ва йўловчи ташвишда қўлланиладиган автотранспорт воситаси бундан мустасно. Мазкур Низомининг 16-бандида кўрсатилган йиғимни тўлаган ҳолда хорижий автотранспорт воситасини ушбу муддатдан ортиқроқ муддатта вақтинча олиб киришга йўл қўйилади.»

иккинчи хатбошидаги «уч ойдан» деган сўзлар «олиб қилинган санадан эътиборан тўқсон календарь кундан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 16-банддаги «Ўзбекистон Республикасига олиб қилинишида ушбу автотранспорт воситасига товар сифатида олиб қилинган деб қаралади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасига бўлишига қайтариб олиб чиқиш муддати ўтган ҳар бир кун учун двигателъ ҳажмининг ҳар куб сантиметридан – 0,01 АҚШ доллари миқдоридан йиғимни тўлаш шартли билан йўл қўйилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 17 ва 18-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Вақтинча олиб кириш муддати тугашидан олдин ушбу муддатини узайтириш учун хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси белгиланган муддат тугашидан аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг мазкур хорижий автотранспорт воситаси турган жойдаги ҳудудий бошқармасига муддатни узайтиришни сўраб мурожаат қилиши лозим.

Мурожаатга божхона органларининг ҳисобрақамига мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йўғим тўланганлигини тасдиқловчи ваколатли банк томонидан берилган ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси вақтинча олиб кириш муддатини йўғим қанча муддат учун тўланган бўлса, шунча муддатга узайтиради ва «Авто» ЯААТда аввал киритилган муддатни ўзгартиради.

18. Хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган тартибда вақтинча олиб кириш муддатини узайтириш бўйича мурожаат қилмаса, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган қоралар қўрилиши билан бир қаторда ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йўғим ундирилади, халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган автотранспорт воситаси бундан мустасно.».

7. 20-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Хорижий автотранспорт воситасини олиб чиқиш муддатини бузганлик учун тегишли чора қўрилиб, йўғим тўлиқ ундирилгунга қадар автотранспорт воситаси давлат божхона хизматининг ҳудудий органи ёки божхона пости томонидан белгиланадиган жойларда вақтинча сақланиши лозим.

Йўғим қуйидаги ҳолларда тўланмайди:

божхона органлари томонидан белгиланадиган жойларда вақтинча сақлаш даври учун;

агар вақтинча олиб қирилган автотранспорт воситаси хатланган, мусодара қилинган, авария ёки энгиб бўлмас куч таъсири оқибатида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган ва бу ваколатли орган томонидан тасдиқланган бўлса.».

8. III боб, 53, 58, 59, 61 ва 62-бандлар ҳамда 4-илова ўз кучини йўқотган деб топилин.

9. 50-банддаги «ЮЕБНК ёки ХИТ китобчаси» деган сўзлар «товарни етказиб беришининг назорат ҳужжати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 52-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«52. Товар сифатида олиб қирилган автотранспорт воситаси «эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча олиб кириш» божхона режимида расмийлаштирилгандан сўнг, ТИФ божхона пости томонидан ушбу Низомнинг 5-илловасига мувофиқ

Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан ДИХХХнинг ҳудудий органларига электрон тарзда тақдим қилинадиган маълумотлар (кейинги ўринларда электрон маълумотлар деб юритилади) ДБҚнинг электрон базаси орқали шакллантирилади ва ДИХХХга реал вақт режимида юборилади.

ДИХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатга олинмайдиган автотранспорт воситаларига электрон маълумотлар юборилмайди.».

11. 55-банддаги «берилган гувоҳномада» деган сўзлар «шакллантирилган электрон маълумотларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 56-банддаги «гувоҳнома расмийлаштирилмайди» деган сўзлар «электрон маълумотлар юборилмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 57-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«57. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан товар сифатида олиб қирилаётган автотранспорт воситаларини ДИХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос электрон маълумотлар ҳамда БЮД ҳисобланади.

Ваколатли идоралар томонидан мусодара қилинган автотранспорт воситаларини ДИХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтказиш учун Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан ДИХХХнинг ҳудудий органларига электрон тарзда тақдим қилинадиган маълумотлар ва БЮД талаб этилмайди.

«Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилган автотранспорт воситалари учун шакллантирилган электрон маълумотлар 3 йил давомида, «вақтинча олиб кириш» божхона режимида расмийлаштирилган автотранспорт воситалари учун шакллантирилган электрон маълумотлар эса вақтинча олиб кириш муддати тугагандан сўнг 3 йил давомида божхона органларининг маълумотлар базасида сақланади.

ДИХХХнинг ҳудудий органларида автотранспорт воситаларини қайд этиш ва бошқа ўзгартиришлар қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳужжатлар (маълумотлар) тўплами 5 йил давомида сақланади.

«Вақтинча олиб кириш» божхона режимида расмийлаштирилган автотранспорт воситаларини ўзга шахсга фойдаланишга, эгаллик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш электрон маълумотлар қайта расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.».

14. 5-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан ДИХХХнинг ҳудудий органларига электрон тарзда тақдим қилинадиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Божхона органи номи.
2. БЮД рақами ва санаси.
3. Автотранспорт воситаси расмийлаштирилган божхона режимидаги номи.
4. Автотранспорт тўғрисида маълумот:
тури, русуми;
ишлаб чиқарилган йили;
кузов рақами;
двигатель рақами;
шасси рақами.

5. Автотранспорт воситаси эгаси тўғрисидаги маълумотлар:

жисмоний шахс учун – унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий яшаш манзили, телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотлар;
юридик шахс учун – унинг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ҳамда электрон почта манзили (мавжуд бўлса).

6. Автотранспорт воситаси вақтинча олиб қирилганда вақтинча олиб киришининг якуний муддати.».

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОНИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2858

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 20.02.2017 йилдаги 7 (767)-сон, 104-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Меҳнат вазирлиги қарор қилади:

Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Б.МИРУСМАНОВ.
1-мб-сон

Меҳнат вазири
А.АБДУҲАКИМОВ.
3-қ/к-сон

Тошкент ш., 2017 йил 17 январь.

ЎЗР ДСҚ ва МВнинг 2017 йил 17 январдаги
1-мб, 3-қ/к-сон қарорига
ИЛОВА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОНИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Тадбиркорлик субъектларининг тоифаси уларнинг асосий фаолият турини (йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури) ва ходимларининг ўртача йиллик сонини, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичида белгиланган мезонларга солиштириш йўли билан аниқланади.

2. Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси (контракти) тузилган барча ходимларни, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларни (бундан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлар бажараётган, хизматлар кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар мустасно) ўз ичига олади.

3. Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда, унитар корхоналар, ваколатхоналар ва филиалларда (агар мавжуд бўлса) ишлаётган ходимларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

4. Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қуйидагиларни алоҳида тартибда ҳисоблаш ҳамда уларни қўшиб йўли билан аниқланади:

а) меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони;

б) ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сони;

1. Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кучга киради.

в) фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача йиллик сони.

5. Дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ходимларнинг сони ушбу кунлардан олдинги иш кунларидаги ходимларнинг сонига тенг деб ҳисобланади.

6. Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда ҳосил бўлган ўртача йиллик сони кўп қийматга қараб бутун сонгача яхлитланади.

2-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИДА МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ МАВЖУД БЎЛГАН ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОНИНИ АНИҚЛАШ

7. Тадбиркорлик субъектида меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони мазкур ходимларнинг ўртача ойлик сонини ҳисобот йилининг барча ойлари бўйича қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини 12 га бўлиш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W = (W_{m1} + W_{m2} + \dots + W_{m12}) / 12, \text{ бунда:}$$

W – меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони;

$W_{m1}, W_{m2}, \dots$ – январь, февраль ва мос равишда йилнинг кейинги ойларидаги меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик сони.

8. Тўлиқ бир йил давомида фаолият юритмаган тадбиркорлик субъектлари учун (масалан, йил давомида ташкил этилган, мавсумий ишлаш хусусиятига эга бўлган ва ҳоказо) меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони тадбиркорлик субъектининг барча фаолият юритган ойлари учун мазкур ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини 12 га бўлиш орқали аниқланади.

9. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг

ўртача ойлик сони дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларни қўшган ҳолда ойнинг биринчи санасидан ўттизинчи ёки ўттиз биринчи санасигача (февраль ойи учун йигирма саккизинчи ёки йигирма тўққизинчи санагача) ҳисобот ойининг ҳар бир календарь кунидagi меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сонини қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини ҳисобот ойининг календарь кунлари сонига бўлиш орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_m = (W_{a1} + W_{a2} + \dots + W_{an}) / n, \text{ бунда:}$$

W_m — меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик сони;

$W_{a1}, W_{a2}, \dots$ — биринчи, иккинчи ва мос равишда ойнинг кейинги саналаридаги меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони;

n — ҳисобот ойдаги жами календарь кунлари сони.

10. Бир ойдан кам вақт фаолият қўрсатган тadbиркорлик субъектида (масалан, янги ишга туширилган, мавсумий ишлаш хусусиятига эга бўлган ва ҳоказо) меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик сони тadbиркорлик субъектининг ҳисобот ойда барча ишланган кунлари учун (бунга унинг ишлаш давридаги дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунлари ҳам қиради) мазкур ходимларнинг сонини қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини ҳисобот ойдаги жами календарь кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

3-БОБ. ТАШҚИ ЎРИНДОШЛАР ВА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТУСДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАРНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОНИНИ АНИҚЛАШ

11. Ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сони мазкур ходимларнинг ўртача ойлик сонини ҳисобот йилининг барча ойлари бўйича қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини 12 га бўлиш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$EW = (EW_{m1} + EW_{m2} + \dots + EW_{m12}) / 12, \text{ бунда:}$$

EW — ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сони;

$EW_{m1}, EW_{m2}, \dots$ — январь, февраль ва мос равишда йилнинг кейинги ойларидаги ташқи ўриндошларнинг ўртача ойлик сони.

12. Ташқи ўриндошларнинг ўртача ойлик сони меҳнат шартномасида қўзда тутилган иш вақти муддатига мутаносиб равишда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$EW_m = (EW_{t1} + EW_{t2} + \dots + EW_{tn}) / t_n, \text{ бунда:}$$

EW_m — ташқи ўриндошларнинг ўртача ойлик сони;

$EW_{t1}, EW_{t2}, \dots$ — биринчи, иккинчи ва кейинги ташқи ўриндошларнинг жорий ойда ишлаган иш вақти муддати;

t_n — ойлик иш вақтининг нормал муддати.

Иш вақтининг нормал муддати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддасига мувофиқ белгиланади.

Агар тadbиркорлик субъектининг ҳам беш кунлик ҳам

олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлари мавжуд бўлса ушбу тadbиркорлик субъектлари учун олти кунлик иш ҳафтасидаги нормал иш вақти олинади.

13. Фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача йиллик сони мазкур ходимларнинг ўртача ойлик сонини ҳисобот йилининг барча ишланган ойлари бўйича қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини 12 га бўлиш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$CW = (CW_{m1} + CW_{m2} + \dots + CW_{m12}) / 12, \text{ бунда:}$$

CW — фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача йиллик сони;

$CW_{m1}, CW_{m2}, \dots$ — январь, февраль ва мос равишда йилнинг кейинги ойларидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача ойлик сони.

14. Фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача ойлик сони дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларни қўшган ҳолда ойнинг биринчи санасидан ўттизинчи ёки ўттиз биринчи санасигача (февраль ойи учун йигирма саккизинчи ёки йигирма тўққизинчи санагача) ҳисобот ойининг ҳар бир календарь кунидagi (шартноманинг амал қилиш муддатида) ходимлар сонини қўшиб ва ҳосил бўлган йиғиндини ҳисобот ойининг календарь кунлари сонига бўлиш орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$CW_m = (CW_{a1} + CW_{a2} + \dots + CW_{an}) / n, \text{ бунда:}$$

CW_m — фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача ойлик сони;

$CW_{a1}, CW_{a2}, \dots$ — биринчи, иккинчи ва мос равишда ойнинг кейинги саналаридаги фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимлар сони;

n — ҳисобот ойдаги жами календарь кунлари сони.

15. Агар ходим тadbиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси асосида ишлаш билан бир вақтнинг ўзида мазкур тadbиркорлик субъекти билан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартнома асосида ишлаётган бўлса, фақат асосий лавозими бўйича меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар сонига ҳисобга олинади.

16. Тadbиркорлик субъекти ходимларининг ўртача йиллик сонини ҳисоблаш бўйича шартли мисол мазкур Низомнинг иловасида келтирилган.

4-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Реклама



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотноматизининг ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этилган

Тошкент ш. Миробод тумани. Т.А.Г.Нормажон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача
йиллик сонини ҳисоблаш бўйича
ШАРТЛИ МИСОЛ

Тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини 24 май санасида бошлади. Мазкур тадбиркорлик субъекти билан 24 майда меҳнат шартномаси тузган ва меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилган ходимлар сони 70 кишини ташкил қилди. 27 майда 6 киши ишга қабул қилинди, 28 майда 1 киши билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, 29 майда 5 киши ва 31 майда яна 4 киши ишга қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектида меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик сони ҳисобот ойининг ҳар бир календарь куни учун ходимлар сонини қўшиш ва ҳосил бўлган йиғиндини ҳисобот ойининг календарь кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади (1-жадвал).

1-жадвал

Тўлиқ бир ой фаолият юритмаган тадбиркорлик субъектида меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларининг ўртача-ойлик сонини аниқлаш

Ой санаси	Ходимлар сони, киши
24	70
25 (дам олиш куни)	70
26 (дам олиш куни)	70
27	76
28	75
29	80
30	80
31	84
Ходимларнинг ўртача ойлик сони	$(70 + 70 + 70 + 76 + 75 + 80 + 80 + 84) : 31 = 19,5$

Йилнинг кейинги ойлари учун меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик сони худди шу тарзда аниқланади.

Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига мувофиқ меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони мазкур ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва ҳосил бўлган йиғиндини 12 га бўлиш йўли билан аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Тўлиқ бир йил фаолият юритмаган тадбиркорлик субъектида меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш

Ойлар	Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик сони, киши
Май	19,5
Июнь	85
Июль	90
Август	90
Сентябрь	92
Октябрь	93
Ноябрь	89
Декабрь	87
Ходимларнинг ўртача йиллик сони	$(19,5 + 85 + 90 + 90 + 92 + 93 + 89 + 87) : 12 = 53,8$

Тадбиркорлик субъекти томонидан ноябрь ойида 3 нафар ташқи ўриндошлар билан меҳнат шартномалари тузилиб, яъни, 1-ташқи ўриндош билан меҳнат шартномасида иш вақтининг муддати кунига 3 соатдан 26 кун, 2-ташқи ўриндош билан кунига 2 соатдан 20 кун ва 3-ташқи ўриндош билан эса кунига 1 соатдан 15 кун этиб белгиланган (3-жадвал).

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробит тумани, Таллимарақон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Ташқи ўриндошларни ҳисобга олиш жадвали

Ташқи ўриндошлар	Ташқи ўриндошларнинг жорий ойда ишлаган иш вақти, соат
1-ташқи ўриндош	78 (26 кун x 3 соат)
2-ташқи ўриндош	40 (20 кун x 2 соат)
3-ташқи ўриндош	15 (15 кун x 1 соат)
Ташқи ўриндошларнинг жами ишлаган иш вақти	78 + 40 + 15 = 133

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддасига мувофиқ олти кунлик (40 соатли) иш ҳафтаси учун октябрь ойида иш вақтининг нормал муддати 174 соатни ташкил этади. Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандида келтирилган формулага асосан, ташқи ўриндошларнинг ўртача ойлик сони қуйидагига тенг бўлади:

$$\frac{133 \text{ киши} \times \text{соат}}{174 \text{ соат}} = 0,8 \text{ киши}$$

Йилнинг кейинги ойлари учун ташқи ўриндошларнинг ўртача ойлик сони худди шу тарзда аниқланади.

Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига мувофиқ ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сони қуйидагига аниқланади (4-жадвал).

4-жадвал

Ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сонини аниқлаш

Ойлар	Ташқи ўриндошларнинг ўртача ойлик сони, киши
Октябрь	0,8
Ноябрь	1,2
Декабрь	1,8
Ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сони	$(0,8 + 1,2 + 1,8) : 12 = 0,3$

Декабрь ойида тадбиркорлик субъекти томонидан 5 нафар жисмоний шахс билан хизмат кўрсатиш бўйича ҳисобот йилнинг 13 декабридан 23 декабригача бўлган муддатга фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузилди. Мазкур ҳолатда, фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаган ходимларнинг ўртача ойлик сони Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандига мувофиқ қуйидагига аниқланади (5-жадвал).

5-жадвал

Фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаган ходимларнинг ўртача ойлик сонини аниқлаш

Декабрь ойи санаси	Ходимлар сони, киши
13	5
14	5
15	5
16	5
17 (дам олиш кuni)	5
18 (дам олиш кuni)	5
19	5
20	5
21	5
22	5
23	5
Жами, ўртача ойда	$(5 + 5 + 5 + 5 + 5 + 5 + 5 + 5 + 5 + 5) : 31 = 1,8$

Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаган ходимларнинг ўртача йиллик сони қуйидагига аниқланади:

$$\frac{1,8 \text{ киши}}{12} = 0,2 \text{ киши}$$

Тадбиркорлик субъектида ҳисоб-китоблар натижасида меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ҳисобот йили учун ўртача йиллик сони 53,8 ни ташкил қилди.

Ҳисобот йили давомида ташқи ўриндошлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, мазкур ходимларнинг ўртача йиллик сони 0,3 ни ташкил қилди.

Шунингдек, жисмоний шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусда шартномалар тузилиб, мазкур ходимларнинг ўртача йиллик сони 0,2 ни ташкил қилди.

Тадбиркорлик субъекти ходимларининг ўртача йиллик сони Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига асосан қуйидагича аниқланади (6-жадвал).

6-жадвал

Тадбиркорлик субъекти ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш

	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши
Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони	53,8
Ташқи ўриндошларнинг ўртача йиллик сони	0,3
Фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача йиллик сони	0,2
Жами	(53,8 + 0,3 + 0,2) = 54,3

Шундай қилиб, Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига асосан ҳисобот йилида тадбиркорлик субъекти ходимларининг ўртача йиллик сони 55 кишини ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛДАН 17 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 7 февралдаги 3, 31, 14-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 30 январдаги 01-02/12-2, 1-сон «Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-2.

3. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2017 йил 7 февралдаги 57-сон «Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2434-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат вазирлигининг 2017 йил 17 январдаги 1-мб, 3-қ-сон «Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2858 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириди).

Реклама



«КИЧИК-КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробот тумани, Таълимгаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

МЕЪЁРИЙ ЛОЙИХАЛАР

Транспорт воситалари турлари қандай маъқулланади

ҚЎТБТ порталида Ҳукуматнинг айрим қарорларига тузатишлар киритиш лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди. Ҳужжат механик транспорт воситаларини сертификатлаштиришнинг амалдаги тизимини халқаро талабларга уйғунлаштиришга йўналтирилган.

Шу мақсадда Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида низомда (6.07.2004 йилдаги 318-сон ВМҚга 1-илова) транспорт воситаси (шасси)нинг техник тартибга солишга оид меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш тақдир этилмоқда. Лойиҳага мувофиқ бундай ҳужжат сирасига транспорт воситаси турини маъқуллаш ҳужжати, календарь йилда ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган биргина транспорт воситаси учун эса мувофиқлик сертификати қиради.

Бунда транспорт тури маъқулланиши фақат ишлаб чиқарувчи корхоналарга «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

1) ариза берувчининг номи ва реквизитлари, транспорт воситаси тури, илгари берилган маъқуллашлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда ариза топшириш;

2) тақдим этилган ҳужжатларнинг бутлиги ва сертификатлаштириш ишларига тайёргарлик учун зарур маълумотларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш;

3) сертификатлаштириш ва синовдан ўтказишни амалга оширадиган сертификатлаштириш бўйича аккредитацияланган орган ва синов лабораторияси кўрсатилган ҳолда сертификатлаштиришнинг барча асосий шартларини ўз ичига олган қарор қабул қилиш;

4) тақдим этилган транспорт воситаларининг намуналарини (шассиларини) идентификация қилиш;

5) сертификациявий, шу жумладан упардан фойдаланиш жойлари иқлимий ва географик шартларга мувофиқлик синовларини ўтказиш;

6) баённомаларни расмийлаштириш, уларнинг ҳар бирига ишлаб чиқарувчи томонидан тузилган техник тавсиф илова қилинади;

7) жойнинг ўзига бориб ишлаб чиқарувчининг объектини текшириш;

8) транспорт воситасининг алоҳида талабларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва ариза берувчига уни тақдим этиш;

9) мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштириш пайтида амал қиладиган техник тартибга солишга оид меъёрий ҳужжатлар талабларига муво-

фиқ келганда, сертификатлаштириш бўйича аккредитацияланган орган томонидан транспорт воситаси (шассиси) турини маъқуллашни расмийлаштириш мумкинлиги ҳақида хулосанинг тайёрланиши;

10) транспорт воситаси (шассиси) турининг маъқулланиши расмийлаштириш;

11) маъқуллашни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш;

12) сертификатлаштириш бўйича аккредитацияланган орган томонидан ўтказиладиган маъқуллаш даврида транспорт воситаларини техник тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳар йилги инспекция назорати текширувини (жойнинг ўзига бориб) ўтказиш.

Лойиҳа муҳокама жараёнида турибди ва унга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Хизмат автомобили учун тўхташ жойи

Бизнинг МЧЖ компания директори фойдаланиши учун хизмат енгил автомобилни тақдим этди. Автомобиль ишдан ташқари вақтда тўхташ жойида сақланиши учун у жавобгар бўлади. МЖТКнинг 125-моддасига мувофиқ, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини ишдан ташқари вақтда улардан фойдаланиш шартларига мувофиқ келадиган тарзда махсус жиҳозланмаган жойда сақлаш фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1 баравари, мансабдор шахсларга эса – 2 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Директор ишдан ташқари вақтда компаниямизга қарашли бўлмаган тўхташ жойида автомобилни сақлашга МЖТК 125-моддасининг амал қилиши татбиқ этиладими?

2. Ишдан ташқари вақтда хизмат автомобилни сақлаш учун чет ташкилот билан шартнома тузиш зарурми?

3. Бу модда фақат махсус транспортга, масалан, автобуслар, юк машиналари, тез ёрдам машиналарига ва ҳ.к. тааллуқлими?

О.Назаров.

1. Хизмат автомобилни ишдан ташқари вақтда упардан автотранспорт тўхташ жойи учун назарда тутилмаган жойларда сақлаш фуқароларга ЭКИХнинг 1 баравари, мансабдор шахсларга эса – 2 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 125-моддаси 7-қисми).

Шу сабабли хизмат автомобили ташкилотингизга қарашли бўлмаган автотўхташ жойига қўйилган бўлса ҳам, маъмурий ҳуқуқбузарлик тартибни мавжуд эмас. Автоматотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган бино, иншоот (бино, иншоотнинг бир қисми) ёки махсус очик майдон автомобиллар тўхташ жойи деб эътироф этилади (ВМнинг 31.07.2013 йилдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

2. Қонун ҳужжатларида хизмат енгил автомобилларини ишдан ташқари вақтда аниқ белгиланган жойда сақлаш, тегишинча, сақлаш шартномаларини тузиш мажбурияти қўйилмаган.

Бироқ юридик шахсга қарашли автотранспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномасида унинг эгаси номи, манзили ва қўшимча равишда транспорт воситаси турадиган жой кўрсатилади (Қоидаларнинг II бўлими 4-банди, ВМнинг 26.05.1997 йилдаги 256-сон қарорига 1-илова). Амалиётда бу масала корхонанинг локал ҳуж-



жатларида (йўриқномаларида, низомларида) тилга олинади.

Шу тариқа, ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида қонун ижодкори ҳал этиши лозим бўлган камчилик борлигини айтиш мумкин.

Шу билан бирга, хизмат автомобилни ишдан ташқари вақтда бошқа ташкилотнинг автотўхташ жойида сақлаганда у билан тегишли шартнома тузиш зарур.

3. МЖТКнинг 125-моддасида кўрсатилган транспорт воситалари дейилганда барча турдаги автомобиллар (шу жумладан енгил) ва тракторлар, бошқа хил ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситаларини тушунмоқ керак (МЖТКнинг 125-моддаси 8-қисми).

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Фирмам жисмоний шахсга тегишли ИТХга учраган автотомобилни таъмирлади. Суднинг ҳал қилув қарори билан машина эгаси жабрланувчи тараф деб тан олинди, унга ФЖМС полиси бўйича сугурта қоплами тўланиши керак. У фирмам билан талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ёки сугурта қоплами ҳисобига таъмирлаш суммасини қоплаш учун қарзни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини тузмокчи.

1. ИТХда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасини нотариал тасдиқлаш зарурми?

2. Ушбу битим автотранспорт воситаси билан боғлиқ битим деб ҳисобланадими?

Б.Абдувосиқов.

ФЖМС бўйича цессия

1. Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (қарзни бошқа шахсга ўтказиш) ўша шаклда амалга оширилиши керак. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича эса – худди шу тартибда рўйхатга олинishi керак (ФЖМС 320, 322-моддалари).

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта (ФЖМС) қилиш шартномаси оддий ёзма шаклда тузилиши

ва нотариал расмийлаштиришни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмаслиги сабабли («Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси, Қоидаларнинг 2-бўлими, ВМнинг 24.06.2008 йилдаги 141-сон қарорига 4-илова) бундай шартнома бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ёки қарзни бошқа шахсга ўтказиш битими ҳам худди шундай расмийлаштирилади.

2. Автоматотранспорт воситалари шартнома предмети сифатида чиқиши ва, тегишинча, ё бошқа шахсга берилиши (олди-сотиш, алмаштириш, ҳадя этиш, рента) ёхуд бошқа тарафга фойдаланишга берилиши (ижарага бериш, текин фойдаланиш, лизинг) ёки бошқа ҳақ усулда фуқаролик ҳуқуқий муносабати предмети бўлиб чиқиши (масалан, гаров сифатида) автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларнинг муҳим ало-

мати ҳисобланади (ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1-банди).

Кўрилатган вазиятда эса шартнома предмети автомобилнинг ўзи эмас, таъмирлаш хизматлари кўрсатиш ҳисобланади. Тегишинча, ушбу битим автоматотранспорт воситаси билан боғлиқ битим деб ҳисобланмайди.

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

Ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқда Меҳнат кодексининг моддасига ҳаволани кўрсатиш зарурми?

Ю.Анвархўжаева.

Ҳақли равишда ишдан бўшаганликни асосланг

— Бир қатор ҳолларда буйруқларда Меҳнат кодекси моддаларига ҳавола қилиш **мажбурийдир**.

Чунончи, меҳнат шартномаси бекор қилинишини расмийлаштиришда иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари МКнинг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари таърифида ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифида тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, **МКнинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади** (МКнинг 107-моддаси).

МК талабларига мувофиқ чиқариладиган буйруқларда бу қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган ҳолда ҳам унга ҳавола қилиш **мақсадга мувофиқдир**. Бу буйруқнинг тўғрилигини асослаш имконини беради.



Буйруқсиз иложи йўқ

Декрет таътилига буйруқни расмийлаштириш зарурми?

Ю.Анвархўжаева.

— «Декрет таътили» деганда ходимларга бериладиган қуйидаги ижтимоий таътиллار (МКнинг 149-моддаси) тушунилади:

- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича (МКнинг 233-моддаси);
- болаларни парваришlash бўйича (МКнинг 234-моддаси).

Бундай ҳолларда қуйидаги асосларга кўра буйруқларни чиқариш зарур.

1. Ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парваришlash таътиллари даврида иш берувчи бошқа ходимни ишга қабул қилишга ҳақли бўлади. Ушбу таътилларни бериш ҳақидаги буйруқлар ишга қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

2. Болани парваришlash таътилини бериш ҳақида буйруқларнинг мавжудлиги Давлат пенсияларини тайинlash ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) 66-бандида ҳам назарда тутилган.

Ходим ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилганда 126 календарь кунлик **меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида** буйруқ чиқариш, туғиш қийин кечганлиги муносабати билан бу таътилни узайтириш учун касаллик варақаси берилганда эса — узайтириш ҳақида ҳам буйруқ чиқариш лозим.

Болаларни парваришlash таътили берилганда буйруқ нафақа тўлаш, янги ходимни ишга қабул қилиш ва ходим кўрсатилган таътилда бўлган вақтини тасдиқловчи архив маълумотномасини унга беришга асос бўлади.

Ходим ижтимоий таътиллarda бўлган барча даврларни улар қандай буйруқлар асосида берилганлигини кўрсатган ҳолда уларни берган ташкилот учунгина эмас, балки архив органлари учун ҳам Т-2 карточкасида қайд этиш ҳам зарур.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.

Тажриба ёки маълумот: қайси бири муҳим?

Номзод ЎзДЖТУни битирган («Таржима назарияси ва амалиёти» ихтисослиги бўйича бакалавр). Сўнгра ирригацияда «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш (геоахборот тизимлари)» ихтисослиги бўйича магистратурани якунлаган. Аввалига 9 ой менежмент-стажёр лавозимида ишлаган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича таълим олгандан кейин 3 йилга гувоҳнома олган, бу даврда заводда ММ ва ТХ бўйича мутахассис лавозимида ишлаган, яхши тажрибага эга. Бироқ ММ бўйича мутахассиснинг олий техник маълумотга эга бўлиши талаб қилинади.

Олий техник маълумотга эга бўлмаган номзодни ММ ва ТХ бўйича муҳандис лавозимига қабул қилиш мумкинми?

А.Умаров.

— Қонун ҳужжатларида иш берувчига бундай имконият берилади.

Айрим ҳолатларда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (ВМнинг 19.06.2015 йилдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланган маълумотнинг энг паст даражасига ёки йўналишига эга бўлмаган, лекин етарли даражада амалий тажрибага эга бўлган, ўзларига юкланган лавозим вазифаларини тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарадиган ходимлар маълумотнинг тегишли даражасини ёхуд маълумотнинг бошқа йўналишини талаб

қиладиган лавозимга қабул қилиниши мумкин, агар қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса (Классификаторнинг 19-банди).

Шуни қўшимча қайд этамизки, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимига педагогик маълумотга эга номзодлар ҳам қабул қилиниши мумкин (Классификациянинг 1084, 1084-1-бандлари, Классификаторга 2-илова).

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.



Дам олиш кунни иш кунига тўғри келса

Ходим хорижий хизмат сафарида, унинг муддатига 4 та дам олиш кунни — иккита шанба ва иккита якшанба кунни қиради.

Ходим бу пайтда хорижий хизмат сафарида бўлса, дам олиш кунларига иш кунни сифатида ҳақ тўлаш керакми?

М.Муқимова.

— Ходим хорижий хизмат сафарида бўлган даврда, агар дам олиш кунларида ишни бажаришга жалб этилган бўлса, бундай кунларга ҳақ тўланиши керак.

Умумий қоидага кўра дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Бироқ истисноли ҳолларда иш берувчи ўз фармойиши билан айрим ходимларни бу кунларда ишга жалб этишига фақат жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади. Агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касба юшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа

вакиллик органи билан келишиб белгиланади (МКнинг 130-моддаси 1-қисми).

Хорижий хизмат сафари вақтида ходим ишлаб чиқариш заруратида кўра дам олиш кунлари ишлаган бўлса, бу кунлардаги иш учун **камида икки ҳисса миқдорид**а ҳақ тўланади. Дам олиш кунларидаги иш учун ходимнинг хоҳишига қараб, яъни унинг ёзма аризаси бўлганда, **ҳар бир дам олиш кунни учун 1 кун отгул берган ҳолда бир ҳисса миқдорда** ҳақ тўланиши мумкин (МКнинг 157-моддаси).

Хорижий хизмат сафарида бўлган ходим дам олиш кунлари ишламаган бўлса, бу кунларга тўланмайди, улар учун фақат хизмат сафари ҳаражатлари тўланади (МКнинг 171-моддаси; АВ томонидан 19.11.2015 йилда 2730-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди).

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Реклама ва эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобидан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўроз ёлғизи — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ. Бяхос келишган нархда.
Буортма 840. Адади 1 175. Газета 2017 йил 27 февраль соат 18.00 да топирилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.